# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 11-yanvar, shanba № 5 (3354)


**Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир.**

**Ислом КАРИМОВ**

# 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Адилов Мирсамад** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Арипов Шамсиддин Сайфиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Камалов Атабек Мадамбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**Норпулатов Шухрат Шерпулатович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Чернишев Дмитрий Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жолшимов Ринат Дариябаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Иралиев Шокир Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузибоев Бехзод Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ташпулатов Турсунпулат Турсунюлдашевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Тоиров Санъат Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Умрзоков Абдурашид Абдухалилович (марҳум)** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальони милиционер-кинологи

**Халилов Содиқ Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хратов Рауф Ходиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Элмуротов Жахонгир Умурзакович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуразаков Акмал Бахрамович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Абдуразаков Сарвар Ильхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахимов Асом Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*(Давоми 2-саҳифада).*

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги, тактик маҳоратини ошириш, кадрлар сифатини яхшилаш, армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ихчам, тезкор, замонавий қуролларга эга миллий армиямиз шакллантирилди.***

## Эл-юртга садоқат рамзи

### 12 январ — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун

Ҳарбий соҳада ўтказилган ислоҳотлар — ҳарбий хизмат муддатининг бир йил қилиб белгиланган, ҳарбийга чақириқнинг бир йилда бир марта ўтказилаётгани, сафарбарлик-чақирув резервининг жорий этилгани, сержантлар тайёрлаш тизимининг шакллантирилгани, ҳарбий қисмларнинг тавсияномасини олган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда берилаётган имтиёзлар, ҳарбийларнинг уй-жой ва бошқа шароитларини яхшилаш мақсадида кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳарбий хизматнинг нуфузини бекиёс даражада оширишга хизмат қилаётир. Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» монументи Ватан ҳимоячилари шарафига ўрнатилган гўзал обида, эл-юртимизнинг уларга чуқур ҳурмат-эҳтироми, муҳаббатининг ифодасидир.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган бу мажмуада жасур аскар давлатимиз байроғини кўзига суртиб, Ватан ҳимояси учун, жонажон юртимизнинг ҳар қарич ерини асраш учун тиз чўкиб қасамёд қилаётир. Унинг елкаси узра мард ва жасур ўғлонни бағрида авайлаб ўстирган Ватан тимсоли — мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Халқимизда «Йигитнинг лафзи ҳалол бўлсин» деган нақл бор. Бу йигит киши сўз бердими, гапида турсин, ваъдасига вафо қилсин, деган маънони англатади. Биз ориятни, номусни, ғурурни ҳамма нарсадан устун кўядиган, бир сўзли халқмиз. Шундай экан, бизнинг фарзандларимиз — Ватан ҳимоячиларининг қасамёд қабул қилиш маросими шунчаки расмий тадбир эмас. Бу асл ўғлонларимиз, мард ва жасур йигитларнинг ўз халқига, Ватанига, ота-онасига, Президентига бераётган ваъдаси, лафзидир.

Ватан ҳимоячилари куни нафақат ҳарбийлар, балки бутун халқимизнинг улуғ байрамидир. Чунки дунёда Ватан ҳимоясидан муқаддас, шарафли иш йўқ. Бу байрам ёшларимизни юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга, мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг муносиб давомчилари бўлишга даъват этишга хизмат қиладиган гўзал тадбирдир.

«Ватанга қасамёд» монументи пойидан йил давомида гулчамбарлар аримайди. Байрам муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Улар орасида мамлакатимиз ҳарбий қисмларида йигитлик бурчини ўтаётган аскару офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, пойтахтимиз меҳмонлари, хориждлик сайёҳларни кўриш мумкин.

— Бу монумент ёшларимизни эл-юртга садоқат руҳида, мард ва жасур инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти «Маънавият асослари» кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Ўктам Мавлонов. — Шу боис ҳар сафар мазкур монумент зиёратига келганимда қалбимда улуғ туйғулар жўш уради.

— Ҳарбий билим юртимизда пухта билим олиб, спорт билан шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Алишер Долиев. — Мен назарий ва амалий машғулотларда устозларимдан ҳарбий сабоқларни қунт билан ўзлаштиришга ҳаракат қиляпман. Орзуим — Ватанимга садоқат билан хизмат қилиш.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи — ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушунишидир.

«Ватанга қасамёд» монументи зиёратига келган ҳар бир юртдошимиз қалбида ана шундай туйғулар жўш уриши табиийдир. Зеро, Ватан ҳимояси учун шу заминда яшаётган инсонларнинг барчаси масъулдир.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

***Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчи саналади. Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Ватан ҳимоячилари куни олдидан бир гуруҳ аскарлар билан учрашув ўтказилди.***

## Сарҳадлар ишончли қўлларда

Маърузачилар бугунги кунда шакилланган қудратли армиямиз салоҳияти хусусида атрофлича фикр билдиришди. Тадбирда коллеж қўл жанги тўгараги аъзолари кўргазмали чиқишлар қилишди. Аскарлар ҳамда ўқувчилар ёнма-ён туриб, Ватан ҳақидаги куй-қўшиқларни баралла ижро этишди.

**М.АЛОВУДДИНОВ**

## Тинчликнинг қиймати баланд

***Чортоқ тиббиёт коллежида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 22 йиллигига бағишлаб «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуида тадбир уюштирилди.***

Коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари М.Мамажонова тадбирни оча туриб, бу шарафли касб эгалари доим давлатимиз, халқимиз эътирофида экани ва уларга эҳтиром кўрсатиш фуқаролик бурчига айланганини таъкидлади.

— Ёшларимизнинг фидойилиги, билими ва интилишига ҳавас қилиш мумкин. Улар билан ишлаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, — деди туман Мудофаа ишлари бўлими чақирув бўлинмаси бошлиғи майор Учқун Норманов.

Аёл бўлса-да, ҳарбийлик касбини танлаган кичик сержант Феруза Нуриддинова Ватан ҳимоячиси эканидан фахрланиб гапирди. Барча сўзга чиққанлар бебаҳо неъмат бўлмиш тинчликнинг қадр-қиммати ҳақида сўз юритишди.

Йиғилиш интерфаол тарзда ўтди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган Ватанга садоқат ва меҳр туйғуларини тараннум этувчи куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар даврага кўтаринки кайфият бахш этди.

Коллеж ўқитувчиси Рустамжон Жўраев ва коллежнинг собиқ ўқувчиси, йигитлик бурчини адо этаётганда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Жамшидбек Сотиболдиевнинг ҳаёт йўлига бағишланган стендлар барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида меҳмонларга коллеж маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Р.ИНАТУЛЛАЕВА,**
**Чортоқ тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси**

***Фарғонада «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида сараланган 12 милиция таянч пункти иштирок этди.***

## Энг намунали милиция таянч пункти

Милиция таянч пунктлари ва профилактика инспекторларининг турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни, жамоат хавфсизлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур кўриктанлов ҳам бу борада юқори натижаларга эришаётган милиция таянч пунктларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Танлов якунларига кўра, Қўқон шаҳридаги 47-милиция таянч пункти ғолибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди.

— Бизнинг милиция таянч пункти «Ялонғоч ота» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда иш олиб боради, — дейди 47-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Улуғбек Мирзаюнусов. — Маҳалла фаоллари билан йўлга қўйилган бундай ҳамкорлик яхши самара бераётир. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун уларни турли оммавий тадбирларга, жумладан, спорт мусобақаларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам кўмаклашилмоқда. Олиб борилаётган профилактика тадбирлари самарасида ҳудудда жиноятчилик кескин қисқарди. Ажримлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари умуман қайд қилинмади.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Наманган ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбир доирасида ушбу вилоятларда йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида видеомулоқот уюштирилди.***

## «Аскар бўлиб улғайдим» дея эътироф этишди ўғлонлар

Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да қарийб уч соат давом этган мулоқотда ота-оналар фарзандлари билан дилдан суҳбатлашиб, байрам тилакларини изҳор этишди. Ўз ўрнида хизмат бурчини адо этаётган аскарлар ҳарбий қисмларда яратиб берилган шароитлар билан яқиндан таништиришди.

Тадбирда янграган куй-қўшиқлар, она-Ватанни улуғловчи шеърлар даврага янада файз киритди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Жалолов ва М.Азизова иштирок этдилар.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Армия билан халқ бир тану бир жон

### Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Иқбол МИРЗО билан суҳбат

***— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолият бошлаганига бир йилдан кўп бўлди. Шу давр мобайнида Кенгаш ўз олдига қўйган вазифаларни нечоғлик уддалади?***

— Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг мудофаа қудрати юксалди. Ватанимиз сарҳадларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир ихчам, тезкор ҳамда энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланган профессионал армия шакланди. Бу Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётбахш самарасидир. Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилганлиги бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириб, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Жамоатчилик кенгаши ўтган қисқа даврда шакланиш йўлини босиб ўтиш билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини изчил ислоҳ этиш жараёни, шунингдек, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашнинг принципиал янги механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги бир воситасига айланиб бормоқда, десак хато бўлмайди.

Маълумки, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш, соҳада кечаётган ислоҳотларни жадаллаштиришга ёрдам бериш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва бошқа қатор масалаларда Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бизнинг асосий вазифаларимиз ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида Жамоатчилик кенгаши аъзолари ушбу вазифаларнинг тўлақонли ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида 5 та ишчи комиссия таркибида фаолият олиб бордилар. Комиссиялар фаолияти ўтган йилнинг 25 январ куни тасдиқланган Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг Дастурига асосан амалга оширилди. Кенгаш аъзолари ҳарбий қисмларда бўлишиб, ҳарбий хизматчилар, қолаверса, уларнинг оила аъзолари билан учрашдилар. Яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, талаб ва таклифларини ўргандилар.

*(Давоми 2-саҳифада).*

*Аскар сафда борар: бир, икки, уч!*
*Тупроғи зар юртим, тоғлари маржон.*
*Бирлик, якдилликда энг қудратли куч —*
*Армия билан халқ бир тану бир жон!*

*Шерюрак боболар ҳаёти ўрнак,*
*Саодат — Ватанга бўлмоқлик ўғлон.*
*Гар фидо бўлмасанг жон нега керак,*
*Армия билан халқ бир тану бир жон!*

*Зириллайди замин ташласам қадам,*
*Наъра тортсам қалқиб кетади осмон.*
*Тинчлик барқарорки, ҳар бир кун байрам,*
*Армия билан халқ бир тану бир жон!*

*Оқ ювиб, оқ тараб ўсдирдинг, она,*
*Меники, бизники бу қутлуғ макон.*
*Темурий ворис бор, эл бор ягона,*
*Армия билан халқ бир тану бир жон!*

Ishonch
2014-yil 11-yanvar № 5 (3354)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**Абдурахманов Марат Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аскаров Азиз Насвалиевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Балтаев Мансур Равшанбекович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Бекмирзаев Мансур Комилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

**Бердиев Ойбек Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

**Бобокулов Яркин Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Валламов Нигматилла Гайратович** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш махсус отряд қутқарувчиси

**Дурдиев Йўлдош Омонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иброхимов Нозимжон Осимжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Илхамов Дилмурод Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ишназаров Алишер Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Кадиров Абрарбек Муродович** — Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Каримов Сулаймон Нормуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Матсафаев Нурбек Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мурадов Акрам Салимджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухаммадиев Нодирбек Бекмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Насридинов Аҳадхон Аълохонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отамуродов Азамат Раҳимович** — Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» чегара божхона комплекси бошлиғи

**Рахмонов Бахтиёр Махмудович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ катта мутахассиси

**Рузметов Раматжон Ниёзматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби бўлинма бошлиғининг ўринбосари

**Сагдуллаев Фуркат Шукурулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби ходими

**Садиков Саид Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Саидмурадов Алишер Базарбаевич** — Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Сатилов Дилшоджон Хайиталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби хизмат бошлиғи

**Тилаболдиев Шухратжон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Турдиев Нодиржон Кобилжонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Умаров Рустам Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уразметов Икрам Тулабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уралов Абдумавлан Атабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Хажимирзаев Ёкубжон Фазилжонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ҳакимов Қаҳрамон Норбўта ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Умидбек Тиловолдиевич** — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Холматов Бобир Эркинович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Худайкулов Ёлкин Азизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худанов Талъат Ойбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чориев Сирожиддин Даутович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамурадов Отабек Турсунпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Изатулла Рихсиваевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуразаков Муратали Юлчибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Абдураимов Ойбек Кошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Аскаров Султонбек Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ачилов Латиф Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бош мутахассиси

**Бекназаров Фазлиддин Хужаназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Бозоров Рустамжон Иброхим ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джураев Фархад Эшбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Исаков Дилшодбек Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Қобилов Беҳзод Бекмуродович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Комилов Ферузбек Садиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мадаминов Умидбек Марифжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Мажидов Сухроб Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мажитов Акмал Абдикромович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Маллаев Искандар Маматмусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Махамадиев Элбек Турдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мирзаханов Анасжон Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Наркабилов Батир Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Очилов Акбар Ҳожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Ражаббаев Адилжон Нигматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Расулов Хусниддин Хашимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Сагитов Фанис Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Санакулов Жахонгир Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Саттарова Матлуба Каршиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Акбар Янгибаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Тоштемиров Мухамадали Шералиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Туляганов Фархад Валижанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Файзуллаев Мансур Хусанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Шухрат Баходирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Хидиров Мирҳожиддин Сунатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ходжиев Рустамжон Амонович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эгамбердиев Хасан Сунатиллаевич** — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий суди раиси

**Юнусов Элмурод Зохиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Куралбай Конгратбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Абдужобборов Бахтиёржон Дастонбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Авазов Фарход Рахматуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Атнабаев Марсель Ражапович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Бойко Ольга Викторовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гулямов Зохид Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Джангибаев Хасан Уролович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Дружинина Нина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош муҳандиси

**Жабборов Алишер Гаппорович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти ҳарбий-техник тайёргарлиги марказининг устаси

**Ибрагимов Аброрбек Махаммадкомилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Инамов Жасур Асатович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Иноятов Ботир Рахматович** — Термиз ҳарбий суди раиси

**Каримов Тохир Тулкунович** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Касимов Бахтиер Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлим бошлиғи

**Косимов Ойбек Мадаминхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Муйдинов Акмал Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Муратов Алишер Турапович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах автомобил мактабининг устаси

**Резниченко Артур Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**Рузиматов Бобур Садиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сапаров Одил Нодиркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суханов Насим Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Тураев Ботир Чоршанбиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хайдаров Шавкат Бозарович** — Самарқанд ҳарбий прокурори

**Худойкулов Сабриддин Наврузович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамудинов Шарафиддин Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

**Шарапов Жамил Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шодиев Анваржон Эргашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм назоратчилар взводи секция командири

**Шукуров Шахобиддин Тилляевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Эркабоев Рахматилла Файзиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Жавхар Ғофирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси бошқармасининг ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 10 январ

# Армия билан халқ бир тану бир жон

***Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежида 4 та мутахассислик бўйича 787 нафар ўқувчи таҳсил олади. 60 нафарга яқин умумтаълим ва махсус фан ўқитувчилари, 6 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари уларга касб сирларини ўргатишмоқда.***

— Коллежимиз замон талабларига тўлиқ жавоб беради, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ў.Темиров. — Битта ўқув биноси, 100 ўринли мажлислар зали, спорт майдончалари ва бошқа ёрдамчи бинолар мавжуд. Ахборот ресурс марказимиз 5912 та китоб фондига эга. Шунингдек, керакли жиҳозлар билан таъминланган тиббиёт хонаси фаолият юритаётир. Ўқувчиларимиз ва маҳалла ёшлари учун спорт залимизда 5 та тўгарак ишлаб турибди.

2012-2013 ўқув йили битирувчиларининг 170 нафари иш билан таъминланди. Шундан 9 нафари тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. 8 нафар ёш эса олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Бир сўз билан айтганда, Жамоатчилик кенгаши халқ ва армияни бир-бирига ўзаро боғловчи маънавий, руҳий кўприк вазифасини ўтамоқда. Зеро, дунёнинг турли нуқталарида уруш ва низолар содир бўлаётган, нотинчлик кучайиб бораётган ҳозирги пайтда халқ билан армия, албатта, бир тану бир жон бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шундагина Қуролли Кучларимиз янада қудратли, юртимиздаги тинчлик-осойишталик эса барқарор бўлади. Шу боис, халқ вакили сифатида қайси бир ҳарбий қисм ва муассасаларда бўлмайлик, у ердаги мавжуд ҳолатни ҳаққоний баҳолашга, олиб борилаётган ишларни барча кўрсаткичлар бўйича комплекс таҳлил қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

***— 12 декабрда Президентимизнинг 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунини тантанали нишонлаш тўғрисида фармойиши эълон қилинди. Бу, табиийки, Жамоатчилик кенгаши олдига ҳам катта вазифаларни юклади...***

— Ушбу Фармойиш юзасидан юртимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар ва Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби ўртасида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди, жасурлик ва фидойилик каби фазилатларини шакллантиришга қаратилган тадбирлар ташкил этилиб, уларга бевосита «Ўзбектеатр» бирлашмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси санъаткорлари жалб қилинди. Жумладан, Наманган, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги тадбирларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Муҳтарам Президентимизнинг 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунини Мустақиллик байрамидан кам бўлмаган ҳолда оммавий тарзда ўтказиш ҳақидаги фикрлари мамлакатимизда Мудофаа тизими ҳамда ёшлар сиёсатига, ватанпарварликка бўлган катта эътибор намунасидир.

***— Маълумки, Кенгаш аъзоларининг барчаси турли ташкилотларда, масъулиятли лавозимларда фаолият юритади...***

— Дарҳақиқат, Жамоатчилик кенгаши аъзолари масъул вазифаларда ишлаб келаётган етук салоҳиятли кишилардир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева, Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова, Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Бадиий академия раиси Акмал Нур, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Раъно Убайдуллаева ва бошқа аъзоларнинг ҳар бири ўзларига топширилган вазифани сидқидилдан адо этиб келяпти. Мисол учун, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг таклифига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Қолаверса, Федерацияси Кенгаши томонидан «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» мавзуидаги инсонпарварлик акцияси ташкил этилди ва тўқсондан ортиқ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига Мустақиллик байрами арафасида моддий кўмак уюштирилди. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмга ташриф давомида касаба уюшмалари томонидан ҳарбий қисмга 1 та компютер жамланмаси ва 4 дона кондиционер, Қашқадарё вилоятида жойлашган иккита ҳарбий қисмга ҳам компютер жамланмалари топширилди.

Кези келганда, ҳарбий хизматчилар билан маданий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда таниқли рассом ва жамоат арбоби Акмал Нур олиб бораётган эзгу ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йилнинг сентябр ойида Андижон шаҳридаги Ўлкашунослик музейида ўтказилган Ўзбекистон рассомларининг кўчма кўргазмасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштироки таъминланди, ҳарбий қисмнинг шахсий таркиби билан ижодий учрашув ўтказилди. Тадбир сўнгида ҳарбий қисм кутубхонасига тасвирий санъат асарлари, бадиий китоб ва каталоглар совға сифатида тақдим этилди. Бундай савобли ишлар изчил давом эттириляпти.

***— Бугунги кунда ҳарбий хизматга нисбатан ёшларнинг муносабатини қандай баҳолайсиз?***

— Айтиш жоизки, ҳарбийлик либосини кийиш бугун ҳар бир йигитга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган шарафли орзуга айланди.

«Ижтимоий фикр» Маркази томонидан Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Сирғали, Яккасарой, Олмазор, Шайхонтоҳур, Учтепа, Юнусобод, Миробод туманларида жойлашган 20 та коллеж ва академик лицейнинг 385 нафар битирувчиси ўртасида «Коллеж ва академик лицей битирувчилари ҳарбий хизмат тўғрисида» мавзуида социологик сўров ўтказилди. Сўров натижалари ёшларимиз учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф эканлигини яна бир бора исботлади.

***— Жамоатчилик кенгашининг фаолиятига оммавий ахборот воситалари ходимларининг қизиқиши катта...***

— Маълумки, халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига мардлик, жасорат ва юртпарварлик туйғуларини чуқурроқ сингдириш, келажагимиз ворисларини ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни амалга оширишда адабиёт, санъат ва маданиятнинг ўрни, аҳамияти беқиёс. Шундан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгаши таркибида бўлган ёзувчи ва шоирлар, эл ардоғидаги санъаткорлар ҳарбийлар билан учрашувлар чоғида соҳа вакилларини Она-юрт ҳимоясидек шарафли бурч сари янада руҳлантираяптилар. Ўз чиқишлари, самимий суҳбатлари билан уларга маънавий-руҳий қувват, чексиз қувонч бағишлаётирлар.

Қолаверса, Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг кўтчилиги зиёлилар, қалам аҳлидан иборат. Уларнинг турли мавзулардаги мақолалари оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритиб келинаётгани қувонарли ҳолдир.

***— Газетхонларга тилакларингиз?***

— Бу байрам қўлида қурол тутиб, чегарада турадиган аскарнинггина эмас, балки шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, ҳар биримизнинг байрамимиз ҳисобланади. Чунки, бу байрам юртимиздаги барча байрамларнинг асоси бўлган — тинчлик ва тинчлик посбонларининг байрамидир. Тилагим шуки, осмонимиз мусаффо, еримиз тинч-осойишта бўлсин.

**«Ishonch» мухбири**
**Салим АБДУРАҲМОНОВ**
**суҳбатлашди**

## Муносиблар ичра муносиб

***Ҳамза тумани ҳақида гап кетганда, «Бирлашган» маҳалласи алоҳида тилга олинади. Бунда қарийб ўн йилдан бери маҳаллага раислик қилиб келаётган Абдулазиз Қирғизбоевнинг салмоқли ҳиссаси бор.***

# Раис

46 йил мобайнида авиация соҳасида ишлаган Абдулазиз ака 1991 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» унвони билан мукофотланган. Ташаббускорлиги боис 1994-2004 йилларда маҳалланинг Валихонов кўчасидаги 2- ва 4-уйларнинг бошлиғи ҳамда МФЙ кенгаши аъзоси сифатида элнинг ишончини қозонди. Натижада 2004 йилнинг ноябр ойида ушбу маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланди. Маҳаллада ободонлаштириш ва тозалик, осойишталикни таъминлаш, асосийси, шикоятларга барҳам бериш ва баъзи нотинч оилаларни муросага келтиришга астойдил киришди. Маҳалла нуфузини туман ва шаҳар миқёсида кўтариш учун тинмай изланди. Масалан, Паркент кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлар ҳовлисининг ишдан чиққан ёритиш чироқлари раиснинг жонкуярлиги туфайли бетон симёғочлар ўрнатилган ҳолда қайта тикланди. Бирлашган кўчасида чиқиндихона қурилиб, туман «Махсустранс» корхонаси тасарруфига берилди. Кўп қаватли уйлар аҳолиси учун янги замонавий авто турар жойлар қурилди. Барча кўчалардаги муддатини ўтаган симёғочларни бетон устунларга алмаштириш ишлари амалга оширилди.

Ҳар ой ҳудудда истиқомат қилувчи ишсизлар аниқланиб, корхона, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар билан ўзаро келишув натижасида улар бандлик мақомига эга бўлаётир. Маҳаллада гиёҳванд, ҳуқуқбузар, диний экстремизм оқимига мойил кишилар йўқ. Бундай иллатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида мутахассислар иштирокида учрашувлар мунтазам ўтказилади. Тўй-ҳашам ва маросимлар маҳалладаги «Жамоатчилик назорати» иштирокида ўтиши анъана тусига кирган.

Маҳалла ҳудудида кичик ва оилавий бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо мажмуаси ва оилавий тадбиркорлик ривожланишига катта эътибор берилаётир. Раиснинг ўзи ҳам МФЙ фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Антей» дўконининг бир қисмини маҳалла тасарруфига ўтказишга эришди. Ҳозирги пайтда маҳалла идораси таъмирланган. Телефон, факс, телевизор, учта компютер жамланмаси ва мебеллар билан жиҳозланган. 2011 йилда маҳалла фуқаролар йиғини «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловида иштирок этиб, туманда биринчи, шаҳарда иккинчи ўринга сазовор бўлди. 2013 йилда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг туман ва шаҳар миқёсида ўтказилган кўрик-танловида туманда биринчи, шаҳарда учинчи ўринга муносиб кўрилди, диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Яқинда ўтган маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши юқори савияда ташкил қилинди. Унда МФЙ раиси этиб якдиллик билан А.Қирғизбоев қайта сайланди.

— Бу ишонч шижоатимни янада оширди, — дейди Абдулазиз ака. — Соғлом бола йилида бажарадиган ишларимиз талайгина. Паркент кўчасида жойлашган кўп қаватли уйларга қарашли темир гаражлардан бир қисмининг ўрнига спорт майдончаси ва болалар ўйингоҳи қуришни ташкил қилиш, электр тармоғини янгилаш ҳамда тунги чироқлар ўрнатиш ишларини якунига етказиш, Бирлашган 6-тор кўчасидаги уйлар фасади ва олд майдончасини ободонлаштириш каби ишларни белгилаб олганмиз. Шаҳримиз, туманимиз, хусусан, маҳалламиз бундан-да тараққий этиши шуни тақозо қилади.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ойбек таваллудининг 109 йиллигига

***Янги йил арафасида невара кўрдик. Яхши ният билан исмини Ойбек деб атадик. Чақалоғимизнинг тийрак нигоҳларига боқиб ўйладим: улуғ адибнинг инсоний фазилатлари-ю кенг феъллигини фарзандлари-ю невараларида кўриш учун уларни чин ихлос билан Ойбек деб атаганларнинг сони нечтага етди экан?!***




# «Дарёлар сингари кўнглим жўшқиндир...»

...Буюк шахслар муҳаббати ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, филмлар яратилган. Дунёга қалб кўзи билан боқиб, унинг моҳияти, сирсиноатига етган зотлар муҳаббат бобида ҳам беназир бўлишган. Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг» китобини яқинда қайта ўқиб чиқиб, улуғ адиб, мутафаккир ва беқиёс шахс Ойбекка хос гўзал сифатларга гувоҳ бўлдим. У ҳамиша ҳаётга тийрак назар билан боққан. Юраги она-Ватани, содда, самимий, жафокаш, меҳнаткаш халқи, оиласи, дўстлари муҳаббати билан урган.

Ушбу хотираларда нафақат шоирнинг шахсий ҳаёти, балки миллатимиз маънавияти ва илм-фанига катта ҳисса қўшган икки улуғ сиймонинг севги ва вафо, садоқат ва самимиятга йўғрилган муҳаббати акс этган. Муҳими, у бизга Ойбекдек улуғ адиб ва буюк инсоннинг бетимсол шахсияти, синмас иродаси, ҳаётсеварлиги, болалардек самимиятидан сабоқ беради.

Зарифахонимнинг ёзишича, Ойбек ҳаётда қандай бўлса, ёзган асарларида ҳам шундай самимий, ҳалол, иродали, оқ кўнгил, қалби муҳаббатга лиммо-лим бўлган.

***Тингла шеъримни, севгимдан куйлар,***
***Ҳижрон йўлларим азобин сўйлар.***
***Сендир қалбимда мангу ҳилола,***
***Қуйилар шеърлар мисли шалола.***

Шундай мисралар билан бошланувчи шеър битилган мактубни Ойбек муҳаббат изҳори сифатида Зарифахонимнинг қўлига тутқазар экан, унга қўшиб бу шаддод қизга севгидан мавжланиб турган қалбини ҳам ҳадя этар эди.

«У чоқлар бўлиб турадиган учрашувларимизда унинг шоирона сўзлари, нозик ишқий ҳислари, тошқин гўзал суҳбати узун йўлимизни безаб келар эди, — дея эслайди Зарифа Саидносирова. — Яна биз соатлаб тўхтаб, сўзлашар эдик...

Майдончадаги катта дарахтлар орасида бир қайрағоч бўлиб, Ойбек унинг тагига тўхтаб гурунг қилишни севарди. (Бир куни кексайиб, сочларимизга оқ тушганда «Зарифа, эссиз, ўша дев қайрағочнинг расмини олдириб қўйсак бўлар экан», — деган.)».

***Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!***
***Бир қараш ташладинг, мен севдим сени.***
***Хаёлинг эсларкан, қонайдир дилим,***
***Ёлборай, гўзалим, унутма мени!***

***Дарёлар сингари кўнглим жўшқиндир,***
***Бир тола сочинг-ла боғланиб қолди.***
***Кўксингда ётганим на гўзал кунди,***
***Айрилиқ сийнамга ёнғинлар солди.***

***Хаёлдек йўқолди яйраган чоқлар...***
***Дардинг-ла сўнаркан қора, шўх кўзим.***
***Сени эркалайди денгиз, қирғоқлар,***
***Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!***

Ойбек бу шеърни 1928 йил 26 октябрда рафиқаси Зарифа Саидносировага атаб ёзган. Улуғ шоирнинг булоқ сувидек мусаффо қалби мавж уриб турган ушбу мисраларни ҳар гал ёд этганимда кўнгил ажиб туйғуларга ошно бўлади. Оиланинг муқаддаслиги, вафо-садоқатнинг бебаҳолиги рамзи сифатида абадиятга кўчади. Чунки, Ойбек сўзга руҳ ва жон бағишлайди. Унинг шеърлари кўнгилга яқин, оҳанглари туйғуларни мавжлантиради. Қалб жароҳатларига малҳам қўяди. Гўё шоир сўз ўқлари ила кўнгилни нишонга олади. Юракни уйғотади. Негаки, у айтган ҳар сўзнинг қудрати чексиз. Шоир эса қалби ярадор. Уни замон қилвирликлари, жаҳолат, зўравонлик, алдов, сон-саноқсиз қатағонлар шу кўйга солган.

***Хаста қалбим шу ҳолларнинг ичида,***
***Нима учун йиғламасин, куймасин.***
***Ҳар кун, ҳар чоқ шу фарёдлар кўнглимда,***
***Қандай қилиб руҳим қувнаб-ўйнасин, —***

дея нола чеккан шоир юраги зулматлардан нур излайди.

***Ай, санъат, боғчангда мангу қолайин,***
***Олтин найларингни узоқ чалайин, —***

деб орзулаган шоир ўзининг ўлмас сатрлари билан адабиётимизга олтин мисраларни нақшлаб кетди.

***Кўксимда сукут тўлди,***
***Қонларда алам йиғлар.***

Шоирнинг бу мисраларини англаб, мушоҳада қилиш учун, албатта унинг сукутидаги ҳайқириқни тинглаш, қонида йиғлаган аламлар билан тиллашишни билмоқ керак. Чунки, табиати борлиқ билан уйғунликда камолга етган шоир учун қуёш, ой, юлдуз, тоғу дарахтлар билан диллашмоқ инсон қалбини сўз сеҳри билан эгаллагандек гап. Бир шеърида у шамолга мурожаат қилиб шундай ёзади:

***Тоғлар рўёсини айт, юлдузлар саломини,***
***Шивирла ҳаёт сасин, севги дуосини айт.***

Бундай сатрларни қалби муҳаббат ила мавжланиб турган шоиргина айтиши мумкин. Чунки, у ўзи айтгандай кўнглини шеърларига тўкиб кетган.

***Мен сокин кирайин сирли кўнглингга,***
***Сочлари қоп-қора, эй, гўзал кеча.***

Қоронғу кечадан зиё истаган, сўзлари ила дилларни қуёшлантирган Ойбекни тушуниб етмоқ учун, аввало, Ойбекдек кенг феъл, самимий қалбга эга бўлмоқ, Ватан, муқаддас заминни севиб, она табиатга шоирдек руҳдош бўлиб, уйғунликда яшамоқ керак. Чунки, Ойбек шеърияти унинг муҳаббатидек пок, самимий ва юксакдир.

«Инсонларнинг қалбини битта қилиб боғлашга кучи етадиган сунъий восита йўқдай кўринади-ю, лекин билсак, бу вазифа адабиётнинг қўлидан келар экан. Адабиётнинг вазифаси — ҳаммани бирлаштириб, ҳамжиҳат қилиш. Адабиёт одамларнинг юрак дардини билиши, уларнинг кўнглини эритиши, ҳаяжонга келтириши лозим. Адабиётнинг таъсир кучи гоҳ одамларнинг дилига ўт солади, гоҳ муздай қилиб юборади, ҳаяжонлар бўрони ҳосил қилади. Тунни кунга айлантиради... ҳамма гўзалликлар манбаи адабиётдир». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, буюк Тагор эътироф этгандек, инсон қалби ва тафаккурига ана шундай кескин таъсир ўтказа олган, адабиёт ишини қисмат иши деб билган, сўзни нурлантира олган улуғ санъаткор эди.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Саломатлик дарси

***Қувонч ва ҳаяжон, дард ва қайғуни кўз ёш орқали ифодалаш инсонга хос ҳолатдир. Маълумки, кўз ёшининг юпқа қавати шоҳпарданинг ташқи юзасини беркитиб туради. Кўзни қанча кўп юмиб очсак, шунча яхши. Бу кўзимизни ҳар хил юқумли инфекциялардан сақлайди. Физиология фанида кўз ёш шоҳпардани суғориш кўзнинг яхши кўришига сабаб бўлади, дейилади. Мутахассисларнинг тавсияларга кўра, меъёрида йиғлаш инсон саломатлиги учун жуда зарур. Шу боис зарур пайтда ўз ҳиссиётларингизни яширмай йиғлаш фойдалидир.***

# Кўз нега ёшланади?

Кўз ёшининг қандай пайдо бўлиши ҳақида фанимизда тўла-тўкис жавоб йўқ.

Айрим хорижлик олимларнинг фикрича, кўз ёши билан организмга йиғилган заҳарли моддалар чиқиб кетиши кузатилади.

Эмоционал, руҳий кўз ёшлари — бу бош мияга хабар таъсирида пайдо бўладиган зўриқишни пасаятиради. Бош мия томонидан бир қатор биокимёвий реакциялар рўй бериши бошланади, натижада ички муҳит тикланади ва инсоннинг руҳий ҳолати яхши томонга ўзгаради.

Кўп ҳолларда кўз ёши депрессия билан боғлиқ бўлиб, узоқ давом этиши мумкин. Бу инсонга дарров билинмайди. Шунга қарамай инсон юрагида хафагарчилик ва оғир дард бўлса, албатта буни кўз ёши билан енгиллаштириш лозим. Акс ҳолда, оғир дард инсонни эзиб, умуман бошқа касалликни бошлаб келиши мумкин. Йиғланмаган эмоциялар кейинчалик одамда гипертония, хафақонлик, юрак касалликлари, ошқозон, ўн икки бармоқ ичак ярасига сабаб бўлади.

Ҳаётда аёллар, қизларнинг йиғлоқилигида ҳам ҳикмат бор. Кўз ёш тўкиш орқали уларнинг асаб тизими мустаҳкамланиб, эркакларга қараганда узоқ яшайдилар.

Айрим касб эгалари, масалан, театр, кино артистлари ўз фаолиятида ҳақиқий йиғлаб бериши талаб қилинади. Улар бу ишни моҳирона бажаришади. Зўр кино, спектаклда ҳақиқий йиғлаш артистнинг маҳоратини белгилайди.

Хўш, инсон қачондан бошлаб йиғлайди. Чақалоқ туғилганда овоз чиқариб йиғласа-да, 4-11 ҳафта ўтганидан кейингина кўз ёши тўла ажралиб чиқа бошлайди. Гўдак кўз ёши орқали ташқи муҳит билан алоқа қилишни бошлайди. Кўз ёши ҳимоя функциясини бажариб, шоҳпарданинг шиллиқ қаватини ҳўллаб туради. Шу билан бирга, чақалоқ йиғиси ўпка ва нафас мушакларининг ривожланишига ёрдам беради.

Хўш, йиғлаш фойдали экан, унинг зарарли томонлари ҳам борми?

Маълумотга кўра, умри давомида инсондан ажралиб чиқадиган кўз ёши ўртача 70 литрни ташкил этади. Аёллар эркакларга қараганда 4 баробар кўп йиғлашади, уларнинг кўз ёшлари 0,5 градус иссиқроқ ҳамдир.

Кўз ёши ёш безлари томонидан ишлаб чиқарилади. Унда калций, магний, натрий, глюкоза ва бошқа моддалар мавжуд. Таркибига кўра, қон плазмасига ўхшаб кетади. Унинг сон ва сифат ўзгаришлари кўз касаллигига сабаб бўлиши мумкин.

Айрим одамлар умуман йиғлай олмайди. Кўз ёши йўқ одамда қуруқ кўз, яъни Шегрен синдроми бўлади. Бу кўпинча ревматоид артрит, волчанки касалликларида кузатилади. Унинг пайдо бўлишига узоқ вақт компютерда тинимсиз ишлаш ҳам сабаб бўлади.

***(Давоми 4-саҳифада).***

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«XORAZM KO'CHMAS MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ**
**тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади.**

Савдолар 2014 йил 13 январ кунидан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари тушликкача соат 10:00 дан 11:00 гача ва тушликдан кейин соат 15:00 дан 16:00 гача мулклар сотилгунча ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. «Магнит Урганч» МЧЖнинг 2014 йил 9 январдаги 2/1-сонли йиғилиши баёни қарорига ҳамда 2014 йил 9 январдаги 3-сонли хатига асосан, Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Хонқа кўчасида жойлашган умумий ер майдони 1719.76 кв.метр, чорбоғ девор узунлиги 99.85 п/метр бўлган ер бино ва иншоотларнинг бир қисми бошланғич баҳоси 3 000 000 сўм.

2. «Магнит Урганч» МЧЖнинг 2014 йил 9 январдаги 2/1-сонли йиғилиши баёни қарорига ҳамда 2014 йил 9 январдаги 3-сонли хатига асосан, Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Хонқа кўчасида жойлашган умумий ер майдони 5645.96 кв.метр, чорбоғ девор узунлиги 442.77 п/метр бўлган ер бино ва иншоотларнинг бир қисми бошланғич баҳоси 5 000 000 сўм.

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 16:00 гача қабул қилинади, савдони ўтказилиши ва ҳужжатларни тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уй. **Телефон: +99862 226-88-87.** Расмий сайтимиз: www.uy-joy.uz

**Лицензия RR-0054.**

## Аукцион савдолари хабарномаси

### «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**I. 2014 йил 11 феврал куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «O'zbekinvest Hayot» шўъба хўжалик жамияти шаклидаги суғурта компаниясининг 25.12.2013 йилдаги 1022-сонли буюртмасига асосан компания ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда.

**1-ЛОТ.** НЕКСИЯ ДОНС русумли давлат рақами 01/ 747 VAA бўлган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 5 807 954 сўм. **2-ЛОТ.** НЕКСИЯ GL русумли давлат рақами 01/ 767 VAA бўлган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 5 805 234 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 10 феврал кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**II. 2014 йил 28 январ куни соат 14:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** - манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 06.01.2014 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 08.01.2014 йилдаги 142-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

**1-ЛОТ.** Mazda 3 1.6 AT Sedan русумли д/р 10/ 064 MAA автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 59 089 000 сўм. **2-ЛОТ.** Mazda CX-7 2.3 DISI Turbo русумли д/р 10/059 CAA автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 79 963 000 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 27 январ кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

Буюртманоларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати). **Тел: 8 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.**

### «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**III. 2014 йил 11 феврал куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй** манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «Ўзагросуғурта» Давлат акциядорлик суғурта компанияси Қоровулбозор тумани бўлинмасининг 08.01.2014 йилдаги 1-10/2-сонли буюртмасига асосан бўлинма ҳисобидаги бошланғич баҳоси 1 850 000 сўм бўлган ГБА СНГ ГАЗ-3201311 русумли давлат рақами 80/ 994 LAA автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 10 феврал кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali, х/р: 20208000805028108002, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиали, МФО: 00115, СТИР: 302523082.

Буюртманоларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават). Тел: 8 365 221-59-24.
**E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.**

***Талабгорлар диққатига!***

*Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.*

*Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.*

**Хизматлар лицензияланган.**

ЭЪЛОН

Фарғона вилоят қурилищда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Фарғона вилояти силга қарашли диспансер (2014 йилда-100-ўринли терапия бўлинмаси қурилиши;130-қатновга даволаниш бўлинмаси ва мавжуд хўжалик биноларни мукаммал таъмирлаш)» объекти бўйича «Ishonch» газетасининг 2014 йил 1 январ кунги сонида берилган эълонига қуйидаги ўзгартиришлар киритилганлигини маълум қиламиз.

**Бошланғич нархи- 2 147 111 731 сўм ҚҚС билан; 1 789 259 776 сўм ҚҚС сиз.**

**Хизматлар лицензияланган.**

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси корхона касаба уюшмаси фахрийси **Марат ШОҲИМАРДОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 11-yanvar № 5 (3354)

Юртимизда Янги йил шукуҳи кезиб юрибди. Байрам байрамларга уланиб, айниқса, болажонлар учун масрур лаҳзаларни туҳфа этмоқда.

Чилонзор туманидаги 217-мактабда бўлиб ўтган 1-синф ўқувчиларининг «Саводхонлик байрами» ҳам болажонлар ёдида кўп йиллар сақланиб қолса, ажаб эмас.

— Бола нозик ҳилқат, — дейди 1-синф раҳбари Нозимахон Рашидова. — Уни аввалаб асраб, ниҳол каби тўғри ўстирсангина келажакда ўз мевасини беради. Уларнинг қалбидаги илмга ташналик, биз педагогларга катта масъулият юклайди. Келажакда бу болажонлардан юрт тараққиётига ҳисса қўшадиган етук кадрлар чиқади, албатта.

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Спорт

***Тошкент шаҳридаги от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабига қарашли отхона. Панжара билан тўсилган «хона»лардан отларнинг пишқириғи, депсинишлари эшитилади. Нафақат юртимизда, халқаро мусобақаларда ҳам соврин олган отлар: Арго, Лотос, Рамиро, Харизма... От спорти бўйича икки карра мутлақ Ўзбекистон чемпиони Хуршид Олимжонов учун бу ер аллақачон иккинчи уйга айланган.***

# «От кимга ишонса, ўшанга бўйсунади»

— 1980 йил Андижон шаҳрида туғилганман, — дейди моҳир чавандоз. — Уйимиздан унча узоқ бўлмаган ерда от спорти мактаби бўларди. Мактабда дарслар тугаши билан шу масканга югурардим. Бу жониворларга меҳрим бўлакча эди-да. Кейин Тошкентга келдим. Ўйлаб қарасам, отлар билан дўстлашиш инсон саломатлигига ижобий таъсир ўтказиб-гина қолмай, кишидаги матонат, мардлик, вазминлик каби хислатларни тарбиялар экан. Шу сабабми, ҳам спортда, ҳам ўқишда фаол эдим. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ўқишга кириш баробарида моҳир чавандоз Мирзааҳмад Мусаевга шогирд тушдим. Ҳалигача устозим мураббийлигида машғулотларга қатнашаман. 10 йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси аъзосиман. Мутахассислигим бўйича ҳам ишлаяпман.

От инсон меҳрини ҳар қандай жонивордан яхшироқ сезади, назаримда. Тоғай Мурод-нинг «От кишнаган оқшом» қиссасида: «Достончи достон айтади. Хато айтса, шартта бас қилади. Бошқатдан, тузатиб айтади. Шоир китоб битади. Китобида бир жойи ёқимсиз бўлса, қалам билан шартта-шартта ўчиради, ёқимли қилади. Чавандоз бўлса отни тузатолмайди. Тўрт оёқли жонивор от бўлаётиб нима феъл-атвор топса, шу феъл-атворида қолади. Нима қилиқ топса, шу қилиғида қолади», дейилади. Бу фикрга қўшиламан. Отни туғилганидан яхши тарбия қилиш, меҳр кўрсатиб қўлга ўргатиш, мусобақаларда ўзини кўрсатганда рағбатлантириш керак. Қаттиққўлликни ҳам ўрнида қилиш лозим, агар ҳаддан оширосангиз, отнинг сизга бўлган ишончи, меҳри сўнади. Хоҳламаса, уни мажбурлаб югуртириш ёки сакратиш қийин. От кимга ишонса, ўшанга бўйсунади, ўзини бутунлай топширади.

10 ёшли от энг кучга тўлган ҳисобланади. Шу сабаб мусобақаларда 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган жониворлар жиддий рақиб саналиб, яхши натижаларни кўрсатади. Биз уларга тахминан 7-10 ёшигача, яъни мусобақаларда иштирок этишни бошлагунга қадар зўриқтирмасдан, қийнамасдан, жисмоний куч ишлатишларсиз сакраш, тез чопиш, умуман, от спортининг сирлари, қонун-қоидаларини ўргатишга ҳаракат қиламиз.

Юртимизда, асосан, Қорабайир отлари кенг тарқалган. Лекин улар улоқ-кўпкарига кўпроқ мос. От спортида, хусусан, конкур йўналиши (тўсиқлардан сакраш баҳси)да Олмония, Голландия наслли отлари, шунингдек, Англия, Франция отлари юқори натижа кўрсатмоқда. Ўзбекистон кубоги саралаш мусобақаларида Лотос, якуний чемпионатда эса Арго лақабли отим билан ғолиб бўлдим. Лотос билан 3 йилдан буён машғулотлар ўтаган бўлсам, Арго билан атиги 2 ой шуғулландим. Отларга лақаб қўйишда унинг маъносига аҳамият берамиз. Масалан, Арго — афсонавий чўкмас кеманинг номи. Ўйлаб кўрсангиз, мусобақага чиқиш катта денгизда сузишга ўхшайди. Турли баландликдаги 14 та тўсиқдан сакраб ўтаётганда отнинг туёғи бехосдан тегиб кетса ҳам тўсиқ тушиб кетади ва жарима бали ёзилади. Шу боис юқори даражада иштирок этиш, бор куч ва маҳоратни кўрсатиш талаб қилинади. Бундай вазиятда от ва чавандоз вужуди, онгу шуури, руҳи билан якдил бўлиши, бир-бирига ишониши керак.

От спорти инсонни соғлом, эпчил қилади. Айрим хасталикларни даволашда айнан шу спорт билан шуғулланиш тавсия қилинади. От спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабимизга ногирон болаларни ҳам олиб келишади. Отнинг ички энергияси жуда баланд. Шу боис қўли, оёғи ишламайдиган болаларни унга ётқизиб, мингаштириб шуғуллантиришади. Уларнинг 2-3 ойдан сўнг оёққа туриб, юриб кетганларига гувоҳ бўлганман.

Ушбу спорт тури кўп вақт ва эътибор талаб қилади. Бундан ташқари, ўзига яраша қийинчиликлари бор. Масалан, чет элда бўладиган халқаро мусобақада қатнашиш учун боксчи фақат қўлқопини олиб кетади, теннисчи ракетка ва коптогини. Биз эса бутун бошли отни олиб боришимиз керак. Бу молиявий томондан айрим ноқулайликларни келтириб чиқариш билан бир қаторда катта масъулият ҳам юклайди. Узоқ йўлда отнинг қийналмасдан, соғ-саломат етиб бориши учун чавандоздан кўра кўпроқ отга кўзқулоқ бўлиш талаб этилади.

Ҳар бир чавандознинг яхши ниятлари бўлади. Мен ҳам нафақат республика, балки жаҳон чемпионатлари, Олимпиада мусобақаларида қатнашиш ва юқори натижалар кўрсатишни хоҳлайман ва шунга ҳаракат қилаяпман.

Суҳбат асноси отлар ёнида бор-йўғи бир-икки соат бўлган эсам-да, бу жониворларга меҳрим уйғонганини ҳис қилдим.

**Шоҳсанам НИЁЗОВА суҳбатлашди**

# Кўз нега ёшланади?

*(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада).*

Айрим ҳолатда кўз ёши бақатерак қипиғи таъсирида, кўзга тушадиган зирапча, чанг, тупроқ, қум заррачалари, кучли ҳидга эга бензин, керосин, ацетон, тутун ва ҳоказо таъсирида юзага келади. Масалан, қурилишда ишлаётган пайвандчиларнинг 60-70 фоизида кўз яллиғланиши, ёш келиши, доимо қизариб туриши кузатилади. Шунингдек, одамнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ кўз ёшлар ҳам мавжуд.

Кўздан ёш оқиши инсоннинг руҳий ҳолатига алоқасиз бўлса, унда бу, билингки, қалқонсимон без касалликларининг бир белгисидир (гипертиреоз, аутоиммун тиреоидит). Бу касалликлар белгиларидан бири — кўзга қум тушгани, ёруғликка қарай олмаслик, кўзнинг тез чарчаши, улардаги пайдо бўладиган оғриқлар. Одатда бундай ҳолларда эндокринолог ва офталмолог шифокор ёрдам беради.

Кўз ёш тўкишнинг сабаблари жуда кўп:

— кўз ёши йўлакчаларининг торайиши ёки беркилиб қолиши;
— кучли конъюктивит, унинг оғир асоратлари;
— дакриоцистит (кўз ёши қопчасининг яллиғланиши);
— блефарит (киприк четларининг яллиғланиши);
— кератит (шохпарданинг яллиғланиши);
— глаукома

Унутмангки, кўздан ёш оқиши нафақат руҳий ҳолат, балки касаллик белгиси ҳамдир. Бундай ҳолатда, албатта, шифокорга мурожаат қилинг.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

## Ҳаёт сабоқлари

Доно бобо дейди: 45 йил халқдан таълим-тарбия олдим. Ўқидим, ўргандим, билганларимни шогирдларимга ўргатдим. Халқим, Ватаним учун ҳамон ҳаракатдаман.

* * *

Ёши улуғлар, олимлар даврасида бўлиш — ёшлар учун ҳаёт мактаби.

* * *

Итга тош отсанг, ортингдан қувлайди. Етиб олса, қопиши мумкин. Нон ташласанг қопағон ит ҳам қўлга ўрганади. Демак, нон — меҳр, тош — меҳрсизликдан далолат экан, азизларим!

* * *

Ёмоннинг ҳам бир неча фазилати бор; ўзинг яхши бўлсанг, олам яхши.

**Эргаш АТОЕВ**

## Тиббиёт

***Марғилон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган анъанавий танловда «Энг намунали оилавий поликлиника» номинацияси ғолиби деб топилди.***

# Республикада биринчи

— Жамоамиз эришган муваффақиятдан фахрланамиз, — дейди олий тоифали шифокор, поликлиника бош врачи Валижон Маллабоев. — Пичоқчи, Тоғлик, Ариқ бўйи, Узумзор, Яйилма, Тут таги, Ёвқочар, Бобур номли маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудида яшовчи аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатяпмиз. «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича Хитой ва Россиядан 11 миллион сўмга сотиб олинган янги русумдаги лаборатория воситалари, замонавий тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар бизга катта қулайлик яратди.

2006 йилдан буён поликлиника оилавий шифокорлар тизимида иш олиб бормоқда. Ўтган даврда аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиш яхшиланди. Туғиш ёшидаги 7698 нафар аёл сифатли тиббий кўрикдан ўтказилди. Ҳозирда шифохонада 16 нафар врач, 72 нафар ҳамшира фаолият кўрсатаётир.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# Ҳасадхўжа ўлмайдиган бўлди

ҲАЖВИЯ

Ишга жўнаётган эдим, маҳалладошим Ҳасадхўжа (бу унинг лақаби, асл исмини билмаймиз) оҳ-воҳ қилиб қолди:

— Жон духтур, мени қутқаринг, ўладиганга ўхшайман.

Шошиб қолдим. Чунки ул зоти номуборак ҳеч ким билан кирди-чиқди қилмас, ўз навбатида, биз ҳам Ҳасадхўжани қанча кўрмасак, шу қадар шодумон эрдик. Филдай соғлом, ҳаливери ўладиган сиёғи йўқ одам мана бунақа гаплардан сўз очиб турса, ғалати туюларкан.

— Дод, нега зудлик билан чорасини кўрай демайсиз, ҳозир юрагим ёрилиб ўламан, армонда қоласиз, доктор, — деди Ҳасадхўжа «Тиббиёт» газетасини чўнтагидан чиқараркан. — Мен-ку кўзга зарари бор деб ҳеч нарса ўқимасдим. Ишхонада Шоди шайтон, сиз учун фойдали маслаҳатлар бор экан, деганига учиб, кўз югуртирибман денг. Ўқиб ўтакам ёрилди. Охирига қарасам, сизнинг фамилиянгиз турибди...

— Ҳа, гап бу ёқда экан-да, — кулгидан ўзимни аранг тийдим. Ҳасадхўжа унинг ўзи ёзишимга туртки бўлган «Хулқий нопоклик — умр эгови» сарлавҳали мақоламни назарда тутаётган, унда Ҳасадхўжага ўхшаганлар ҳасадгўйлик, бахиллик, хасислик, қўрқоқлик каби қусурлари билан ич-этларини кемириб, ўз умрларига зомин бўлишлари, нозик асаб хужайраларидан тузилган, Яратган томонидан бир бор бериладиган, узилса қайта тикланмайдиган толалардан иборат бўлган асаб томирлари қаттиқ шикастланиши ҳақида мулоҳаза юритилган эди.

— Тушунмадим, мен ҳам хулқий нопоклар тоифасиданман, демоқчимисиз? — жўрттага ўсмоқчиладим.

— Йўғ-е, худо сақласин. Асло. Лекин, негадир, касбдошларим менга кун беришмаганига ақлим етмайди. Майнавозчилик қилиб лақаб тақашгани тақашган. Шу десангиз, дардимнинг олдини олай деб ҳузурингизда чопдим.

— Қулоғим сизда, гапираверинг.

— Бирга ишлайдиганлар очиқдан-очиқ ҳасадгўйсан, деб бетимга айтишади. Духтуржон, нима, бошқаларга ҳасад қилиш менга дармондорими! Аммо шу денг, нима учундир иши юришиб кетганларни кўрсам, ичимни сичқон кемираверади, ўз ёғимга ўзим қовурилавераман. Ичимдан ўтганини ўзим биламан. Қаранг, оддий-оддий косиблар-у темирчилар ҳам данғиллама иморатлар қуришяпти, иномаркалар олишяпти. Мен-чи, ҳамон ўша-ўша «Ҳасад ялчимасман». Мана икковимиз тенгдошмиз-у сиз фан доктори бўлдингиз...

Душманларим айтишганидек, мен сираям бахил эмасман. Одамларга жудажуда хайрихоҳлик қилгим келади. Лекин биронтасининг юқори лавозимга кўтарилгани ёки мукофотланганини эшитишим билан аллақайси ичагим шарт узилиб кетгандай бўлади, бир жойда ўтиролмай қоламан. Нега шундай, ўзим ҳам билмайман. Юрак қурғур менга бўйсунмаса нима қилай?!

Камхаржлигимни кўролмаганлар хасис, пул бандаси, Қори Ишкамба деб масхара қилишади. Хотиним ҳам улар томонда. Ахир машойихлар, пул — белнинг қуввати, деб бекорга башорат қилишмаган-ку!

Ор-номусим кучлилигини ичиқораликка, кекчига йўювчилар бор. Нима, мажлисларда мени танқид қилган Нодиров, Содиров, Қодировлар билан бояги-боягидек офтобда қатиқ ялашиб юраверишим керакми? Йўқ, мен юрагида ўти бор, ориятли одамман. Қани энди қўлимдан келса-ю, уларни мажақлаб, янчиб ташласам...

— Дардингиз шугинами? — дедим мен кулгимни босиш учун атайин гапини бўлиб.

— Нима десамикин? Шу, Алпомишдай қўрқмас баҳодир бўлиб юргим келади-ю, нимагадир кечаси ташқарига ёлғиз чиқишга қўрқаман. Худди биров мени пойлаб тургандек... Духтур, худо кўрсатмасин-у шундай бўлиб қолса, болалигимдан бери ўлиб-тирилиб йиққанларим нима бўлади?! Жон духтур, мени даволанг, сизни албатта рози қиламан, қочган — номард.

— Бунинг йўли жуда осон, — дедим мен. — Бугундан эътиборан ўзингиз айтган хулқларингиз билан бир умрга хайрлашасиз. Муолажани ўша ўзингиз ёмон кўрган инсонларни уйингизга чорлаб, узр-маъзурлашув ва зиёфат билан сийлашдан бошлайсиз.

Табиийки, маҳалладошим аввалига электр токи ургандек бир сесканиб тушди-да, оҳ тортиб деди:

— Қандай қора кунларга қолдим. Энди мисқоллаб йиққанларимни совураманми? Наҳотки, бирон харажатсиз йўли бўлмаса?

— Йўқ, — кескин жавоб қайтардим мен. — Даволашга тезроқ киришиш зарур. Акс ҳолда, дардингиз газак олиб кетади. Энг ёмони, сиз учун харажат кўпаяди. Яхшилаб ўйлаб кўринг. Яшайман, жоним қоғоздан азиз эмас, десангиз айтганларимни бажарасиз...

...Эртасига ишдан қайтиб, Ҳасадхўжанинг уч-тўрт кишига зиёфат бергани, одатига хилоф равишда очилиб-сочилиб юрганини эшитиб, севиниб кетдим. Қувончимнинг иккинчи боиси — зиёфатга мени таклиф қилмагани, яъниким, каминани «душманлар» сафида кўрмаганлигидандир.

**Абдусаттор АҲМАДАЛИЕВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Аукцион савдолари хабарномаси

**«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**I. 2014 йил 28 январ куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 01.07.2013 йилдаги 10-0907/15719-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MUMIN-KAFOLAT QURILISH» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 07.01.2014 йилдаги 4-сонли йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 09.01.2014 йилдаги 25-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иттифоқ ҚФЙ, Алим-ота кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган бошланғич баҳоси 69 500 000 (Олтмиш тўққиз миллион беш юз минг) сўм бўлган омборхона бино ва иншоотлари мажмуаси такроран қўйилмоқда.

**II. 2014 йил 28 январ соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 06.01.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 08.01.2014 йилдаги 141-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

**1-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 113-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

**Бошланғич баҳоси 380 000 000 (Уч юз саксон миллион сўм);**

**2-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 114-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

**Бошланғич баҳоси 94 471 000 (Тўқсон тўрт миллион тўрт юз етмиш бир минг сўм);**

**3-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 115-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

**Бошланғич баҳоси 95 456 000 (Тўқсон беш миллион тўрт юз эллик олти минг сўм);**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 27 январ куни соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, ҳ/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати).

**Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18. E-mail: rc.group@inbox.ru, Хизматлар лицензияланган.**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 20.00
Topshirildi - 20.00

E-mail:Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 118 | 21477 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5